

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган вилоят ҳокимлиги “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” номидан Низом асосида иш кўрувчи директори Ҳ.А.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган “Риштон Бино Қурилиш” МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Ю.Юлчиев иккинчи томондан “Риштон тумани Боғистон МФЙдаги 52-сонли умумтаълим мактаби биносини жорий таъмирлаш” объектига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## 1.Тарифлар

1.1 Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

Ижро ҳужжатлари; қурилиш майдони, вақтинчалик иншоотлар; беркитиладиган ишлар; шартнома нарҳини бўлиб чиқиш (ишларни бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

## 2.Шартнома мавзуси

2.Пудратчи мазкур шартномага асосан “Риштон тумани Боғистон МФЙдаги 52-сонли умумтаълим мактаби биносини жорий таъмирлаш” объектида лойиҳа-сметада белгиланган ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## 3.Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар юзасидан ЛОТ-170059 бўйича ўтказилган танловнинг 2022 йил 11 ноябрь кунги баёни билан тасдиқланган ишлар қиймати қўшимча қиймат солиғи ва 12 % ЯИТни ўз ичига олган ҳолда жорий нарҳларда **997 071 923.15** (тўққиз юз тўқсон етти миллион етмиш бир минг тўққиз юз йигирма уч, ўн беш тийин) сўмни ва объектда ишларни бажарилиши 47 кунни ташкил этади ҳамда объект **2022 йил “31”Декабр** куни фойдаланишга топширилади.

## 4.Пудратчининг мажбуриятлари

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни шартнома ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажаради ҳамда объектни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

-ушбу шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

## 5.Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: -мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажариш учун объектни ишлар тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; -ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

## 6.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

6.1. Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказилади, бу **299 121 576.95** (икки юз тўқсон тўққиз миллион бир юз йигирма бир минг беш юз етмиш олти, тўқсон беш) сўмни ташкил этади.

6.2. Жорий молиялаштириш вилоят ҳокимининг фармойишига асосан вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилиб, объектнинг махсус ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган аванс ҳисобга олган ҳолда, тегишли ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 70% миқдорда амалга оширилади. Бюджетдан маблағ ажратилмаган ҳолда, Буюртмачи тўловларни амалга оширмаганлиги учун мулкий жавобгар бўлмайди.

## 7. Ишларни бажариш

7.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакили-техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати ва муддати устидан техник назоратни амалга оширади.

## 8. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ва ҳукумат қарори қабул қилиниши натижасида келиб чиқса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

## 9. Кафолатлар

9.1. Пудратчи: барча ишларни тўлиқ ҳажмда сифатли ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлайди;

9.2. Пудратчи: барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

9.3. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида бир йил этиб белгиланади.

9.4. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда аниқланган камчиликлар оқибатида етказилган зарар суд орқали Пудратчидан ундириб олинади ва Пудратчи белгиланган тартибда "Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри"га киритилиб, келгусида тендер ва танлов савдоларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

9.5. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектуручилиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судларга мурожаат қилишини истисно этмайди.

## 10. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

10.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

10.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объектнинг махсус ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва

шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

10.3. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

10.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектурурилиш нazorat» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100 фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

10.5. Вилоят ҳокимининг объектга маблағ ажратилиши юзасидан фармойиши кечиканлиги учун объектнинг махсус ҳисоб рақамларига вилоят молия бошқармасидан маблағ келиб тушмаганлиги учун буюртмачи тўловларни амалга оширолмаганда пудратчи олдида мулквий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

## 11. Низоларни ҳал қилиш

11.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмасалар, низоли масалалар қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

11.2. Буюртмачи бюджет маблағи олувчиси бўлганлиги сабабли, вилоят молия бошқармасидан объектнинг Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига ўз вақтида маблағ ажратилмаганлиги учун вилоят Молия бошқармаси жавобгар ҳисобланади ва низоли ҳолатларда судга жавобгар сифатида жалб қилинади.

11.3. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қиради ҳамда 2022 йил 31 декабргача амалда бўлади. Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди. Учала нусха айнан бир ҳил ва тенг юридик кучга эга.

## Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

### “Пудратчи”

“Риштон бино қурилиш” МЧЖ  
Манзил: Риштон тумани, Бужай кишлоғи  
ҳ/р: 20208000204958873001  
Банк номи: “Қишлоққурилишбанк” Фарғона  
шаҳар БҲО  
Тел: 91-112-17-17  
МФО: 01037 СТИР: 302215609

Раҳбар Ю. Юлчиев.



### “Буюртмачи”

Фарғона вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати»  
Манзил: Фарғона ш. Темирийўл к. 37 уй  
Тел./факс: 224-52-24  
шҲ: 40178286 0302848092100 0d50d22  
СТИР: 204 816 336  
ОКЭД-70220  
Фарғона вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси  
ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010  
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар  
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)  
МФО: 00014 Ғазначилик бўлинмасининг  
СТИР: 201 172 919  
Раҳбар Х.А. Долимов



Ҳуқуқий ҳуқуқ

Мазкур шартнома Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Ҳуқуқий субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъерий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Бош юристконсульт \_\_\_\_\_ М.М. Маматқулов

## ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ГРАФИГИ

Риштон т. Ботистон МЭЙ 52-мактаб жорий таъмирлаш бўйича

(минг сумда)

№	Иш турлари	Шартнома киймати	2022 йил											
			I-чорак			II-чорак			III-чорак			IV-чорак		
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
1	Қурилиш монтаж ишлари	997 071,9											598 243,154	398 828,8
	Жами объект бўйича	997 071,9	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	598 243,2	398 828,8

Бюрогтамачи:



Бош мураббит:

